

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 330.101.541.575.1

СОҚИЕВ ШОҲИЖАҲОН ЎТКИР ЎҒЛИ

**Барқарор иқтисодий ўсиш ҳозирги ҳолатининг стратегик
йўналишлари**

5A230103 – “Макроиқтисодиёт” мутахассислиги бўйича

Магистр

**академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. М. Қосимов

Тошкент – 2019

АННОТАЦИЯ

Магистрлик диссертациси ишида барқарор иқтисодий ўсиш тушунчаси, унинг омиллари ва моделлари ёритилган. Олимларнинг барқарор иқтисодий ўсиш ҳақидаги қарашлари баён этилган. Ўзбекистон Республикасининг барқарор ўсиши ҳолати таҳлил қилинган. Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг ҳозирги ҳолати ўрганилиб, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий йўналишлари кўрсатилган.

АННОТАЦИЯ

В магистерской диссертационной работе, раскрыты такие понятия как, устойчивый экономический рост, его факторы и модели. Обоснованы взгляды учёных на устойчивый экономический рост. Проведен анализ устойчивого экономического роста Республики Узбекистан. Изучено текущее состояние экономического роста в Узбекистане и выделены основные направления устойчивого экономического роста.

ANNOTATION


In the master's thesis, such concepts are disclosed as sustainable economic growth, its factors and models. The views of scientists on sustainable economic growth are substantiated. The sustainable economic growth of the Republic of Uzbekistan was analysed. The current state of economic growth in Uzbekistan was studied and the main directions of sustainable economic growth was highlighted.

Магистрлик диссертация иши “Макроиктисодиёт” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. 14 - сонли баённома «31» май 2019 й.

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. М. Қосимов


(имзо) 31.05.19
(сана)

Магистр: Ш. Соқиев


(имзо) 31.05.19
(сана)

МУНДАРИЖА:

Кириш	4
I. БОБ. БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	10
1.1. Барқарор иқтисодий ўсишнинг мазмун моҳияти.....	10
1.2. Барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг ҳисоблаш усуллари.....	23
1.3. Барқарор иқтисодий ўсиш моделлари ва уларнинг назарий жиҳатлари.....	30
I боб бўйича хулоса.....	41
II. БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИ ТАҲЛИЛИ.....	42
2.1. Ўзбекистон Республикасининг барқарор ўсиши ҳолатини таҳлили.....	42
2.2. Барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий устувор йўналишлари таҳлили.....	51
2.3. Келгусида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда халқаро ижобий тажрибалардан фойдаланиш таҳлили.....	60
II боб бўйича хулоса.....	67
III. БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2017-2021 ЙИЛЛАРДА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА КЎЗДА ТУТИЛГАН ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ....	68
3.1. Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришини келгуси йўналишлари.....	68
3.2. Ўзбекистон Республикасининг барқарор иқтисодий ўсишини прогнозлари.....	77
III боб бўйича хулоса.....	85
Хулоса.....	86
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	88
Иловалар.....	92

Кириш

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мустақил тараққиёт даврида Ўзбекистонда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида иқтисодиётни модернизациялаш, таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, етакчи соҳа ва тармоқларни ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Иқтисодиётда, турли мулк шакллари кенгайтириш, инновацион ҳамда инвестицион фаолиятни жадаллаштириш мақсадида институционал ўзгаришлар такомиллаштирилди. Бу каби муҳим чора-тадбирлар натижасида, мамлакатимизда 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсишнинг ижобий даражасига эришилди.

Жаҳон иқтисодиётида юзага келган мураккаб шарт-шароитларда макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодий ўсишни ва аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлаш ҳамда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳисобига жаҳон иқтисодий маконида мамлакатимиз ўзининг мустақкам ўрнига эга бўлишига эришиш учун иқтисодий ислохотларнинг изчиллиги ва давомийлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини янада такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш талаб этилади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириб боришига эришиш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш, инновацион фаолиятни рағбатлантиришда амалдаги солиққа тортиш механизмининг таъсир доираси юқори бўлиб, аксарият ҳолларда у барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор